

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИЧКИ НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Абдуалимов Равшан Матиевич
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
ORCID: 0009-0004-7137-7400

Аннотация. Ушбу мақолада акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув жараёнида ички назорат тизими бўйича асосий жиҳатлари кенг ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарали ташкил этиши, бошқарув жараёnlарига ички аудит тизимини жорий этиши амалиётидаги кўрилаётган чора-тадбирлар илмий ўрганилган. "Ички назорат" тушунчаси, унинг акциядорлик жамиятларини самарали бошқаруви жараёнидаги роли таҳлил қилинган.

Ключевые слова: акциядорлик жамияти, корпоратив бошқарув, ички назорат, назорат тизими, назорат риски, самарали бошқарув, назорат усуллари.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ВНУТРЕННЕГО КОНТРОЛЯ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ В ПРОЦЕССЕ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Абдуалимов Равшан Матиевич
Банковско-финансовая академия Республики Узбекистана

Аннотация. В данной статье широко освещены основные аспекты системы внутреннего контроля акционерных обществ в процессе корпоративного управления. Научно изучены меры, принимаемые в практике эффективной организации деятельности акционерных обществ в Республике Узбекистан, внедрения системы внутреннего аудита процессов управления. Проанализировано понятие "внутренний контроль", его роль в процессе эффективного управления акционерными обществами.

Ключевые слова: Акционерное общество, корпоративное управление, внутренний контроль, система контроля, риск контроля, эффективное управление, методы контроля.

THEORETICAL ISSUES OF INTERNAL CONTROL OF JOINT-STOCK COMPANIES IN THE PROCESS OF CORPORATE GOVERNANCE

Abdualimov Ravshan Matievich
Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article provides extensive coverage of the main aspects of the internal control system of joint-stock companies in the process of corporate governance. The measures taken in the practice of effective organization of the activities of joint-stock companies in the Republic of Uzbekistan, the introduction of an internal audit system of management processes have been scientifically studied. The concept of "internal control" and its role in the process of effective management of joint-stock companies are analyzed.

Keywords: Joint-stock company, corporate governance, internal control, control system, control risk, effective management, control methods.

Кириш.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида фаолият турларини диверсификациялаш бошқарув тизими ва пул оқимларини кучли назорат қилишни, молиявий ҳолатининг доимий таҳлили ва баҳоланишини талаб қиласди. Ушбу мақсадга эришиш жараёнида муҳим ўринни ички назорат тизимини ташкил қилиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун ягона ҳисоб сиёсатини юритишга имкон яратадиган, ресурсларни ўз вақтида қайта тақсимлашни амалга оширадиган, яхши ташкил қилинган ички назорат тизимини яратиш зарурияти пайдо бўлади. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ЎРҚ-370-сон Қонунининг 108-моддасида активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда мажбурий равишда ички аудит хизмати ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Ички аудит тушунчасига меъёрий ҳужжатларда қуйидагича таъриф берилган. Ички аудит - корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботда акс эттирилишининг тўлиқлилиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолиятидир (Қарор, 2006). Ички аудит хизмати жамият кузатув кенгашининг қарори билан ташкил этиладиган корхонанинг ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Акциядорлик жамиятларида ички назорат тизимини ташкил этиш ва унинг амалиёти, ташкилий тузилмаси масаласида иқтисодчи-олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилган. Шу жумладан ушбу масала Россиялик иқтисодчилар Богданович ва Соболева (2014) томонидан ушбу масалада қуйидагича фикр билдиришганлигини кўришимиз мумкин. Ички назорат-бу корхона раҳбарияти томонидан ташкил этилган ва корхонада барча ходимлар хўжалик операцияларини бажаришда ўз вазифаларини энг самарали бажаришлари учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизими. Ички назорат қонунийликни белгилайди.

Ушбу масалада илмий қарашни қўллаб қувватлаган ҳолда рус иқтисодчи олимаси Новикова (2023) ИНХ (ички назорат хизмати)-бу хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан тадбиркорлик фаолиятини тартибли ва самарали олиб бориш, активларнинг сақланишини таъминлаш, хатолар ва маълумотларнинг нотўғри тақдим этилишининг олдини олиш, шунингдек ишончли молиявий ҳисботларни ўз вақтида тайёрлаш учун фойдаланиладиган ташкилий чора-тадбирлар, усуслар ва процедуралар мажмуи" деган фикрни билдирган. Вайкок (2018) "корпорациялар давлатнинг миллий даражадаги стратегик функцияларини бажаришда муҳим роль ўйнашини таъкидлаб ўтган". Бошқа иқтисодчи-олимнинг таъкидлашича, "Иқтисодий тараққиётни таъминлаш нуқтаи назаридан акциядорлик жамиятларида ички назорат масаласи – бу акциядорлик жамиятини капиталини назорат қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш учун назорат тизимини шакллантириш муҳим ҳисобланади, чунки уларда устав капиталининг концентрацияси ва ундан фойдаланиш функциясини яхши бажарувчи самарали механизм бўлсагина бошқарув ва назорат тизимини ташкил этиш натижасида бизнесни ривожлантириш жараёнидаги энг мураккаб масала ҳисобланади" (Белозерова, 2019). Юқоридагилардан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятларининг

фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларда назорат тизимини амалга ошириш жараёнида ички назорат тизими сифатида изоҳ берсак, уни самарали ташкил қилиш компания ва корпорацияларнинг иқтисодий жиҳатдан такомиллашувига, бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодиёти ривожланишига таъсир этади. Корпоратив бошқарувнинг самарали ташкил этилишида эса ички назоратнинг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Чунки ички назорат тизими акциядорлик жамиятларининг фаолиятини назоратини тартибга солиш жараёнида муҳим ўринни эгаллади.

Шундай қилиб акциядорлик жамиятларида ички назорат тизимини самарали ташкил қилиниши муҳим ўринни эгаллади ва бунинг натижасида акциядорлик жамиятини раҳбариятига жамият фаолиятини самарали бошқариш жараёнида ёрдам бериш ва уни фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш имконини беради. Чунки, Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятларининг фаолиятини самарали ташкил этиш жараёнида ички назоратнинг асосий функцияси бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш, молиявий ресурсларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини текшириш, жамият маблағларининг сарфланиши устидан назоратни таъминлаш, молиявий хуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш ҳисобланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикасидаги акциядорлик жамиятларининг операцияларининг хажми ва активлари кўлами ошиб бориши натижасида уларнинг назоратини ташкил қилиш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ушбу жамиятларнинг рисклари даражаси юқори ҳисобланади ва шундан келиб чиққан ҳолда улар таркибида самарали ички назорат тизими ва корпоратив бошқарув масалалари асосий муаммолардан бўлиб келмоқда.

Ички назорат бу корхонанинг кунлик фаолиятининг ажralmas қисми бўлиб, у акциядорлик жамиятининг фаолияти билан боғлиқ рискларни аниқлаш ва уларни четлаб ўтиш йўлларини ўрганади. Ушбу назорат тизимини амалиётга жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятларида яширин католиклар, йўқотишлилар ва ҳар-хил қонун бузилишларининг олдини олиш имконияти яратилади. Натижада акциядорлик жамиятларининг бухгалтерия ҳисоби тизимида иқтисодий манбаларининг ишончлилигини ошишига ва уларнинг ахборот хавфсизлигини оширишига, амалга оширилган операцияларнинг самарадорлиги ва қонунийлигини таъминлаш имкониятини яратади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикасидаги акциядорлик жамиятларининг фаолиятида амал қилинаётган ички назорат тизимини ташкил қилиниши ва унинг таҳлили уни замон талабларига мос равишда такомиллаштиришга муҳтожлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Муаллиф томонидан ушбу мақола доирасида унинг методологик асоси бўлиб, умумметодологик усуллар, таснифлаш, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, назарий талқин ва таҳлилий услубилардан фойдаланилган. Бунда ушбу методологиядан фойдаланиш натижасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда банк фаолиятининг услугий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Акциядорлик жамиятларининг фаолиятида ички назоратнинг тўғри ташкил қилиниши нафақат камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, балки уларни бартараф қилиш ва келажақда яна пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида ўз вақтида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Ушбу масалада иқтисодчи –олим Ибрагимов (2010) томонидан қуйидаги фикр билдирилганлигини кўришимиз мумкин: “Бюджет тизимида ички назорат тизимини ташкил этиш умумий ҳолда қуйидаги омиллар таъсири остида бўлади:

- раҳбариятнинг ички назоратга бўлган муносабати (яъни, раҳбариятнинг бошқаришни ташкиллаштиришда ички молиявий назоратнинг ролини қай даражада тўғри тушуниши);
- субъект фаолиятини юритишнинг ташқи шарт-шароитлари, унинг ўлчами, ташкилий тузилмаси, миқёси ва фаолият турлари;
- сони ва ҳудудий хилма-хиллиги (тармоқланганлиги), шўъба корхоналари ёки алоҳида бўлимларининг жойлашган жойи;
- стратегик йўналишлари, мақсади ва вазифалари;
- фаолиятнинг компьютерлаштирилганлик ва механизациялаш-тирилганлик даражаси;
- ресурслар билан таъминланганлиги;
- кадрлар таркибининг билим даражаси”¹¹¹.

Шундай қилиб. ҳар қандай ҳолатда ҳам самарали фаолият юритадиган ички назорат тизимини ташкил этиш - мураккаб қўп поғонали жараён бўлиб, у қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Акциядорлик жамиятларининг илгариги хўжалик юритиш шароитларида ҳаракатланиши учун танлаб олинган фаолият йўналиши, стратегия ва тактикасини фаолият турлари, ҳажми, ташкилий-тузилмаси, шунингдек унинг имкониятлари билан таққослаш ва чуқур таҳлил қилиш;
2. Акциядорлик жамиятларининг янги концепциясини (қандай корхона, унинг мақсадлари, имкониятлари, қайси йўналишларда рақобатбардошлик устинликлари, бозордаги исталган ўрни), хужжатлар асосида биринчилишини (янги хўжалик юритиш шароитларига мос равишда), шунингдек унинг бозордаги ўрнини, ривожланишини ва такомиллашишини таъминловчи тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш;
3. Амалдаги бошқарув тузилмасининг самарадорлигини таҳлил қилиш. Ташкилий тузилма тўғрисидаги Низом ишлаб чиқиш (Низомда барча ташкилий бўғинларнинг бўйсунувчанлик тартиби, фаолияти ва функцияларининг йўналиши, ўзаро муносабатларининг регламенти, хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек барча бўғинлар бўйича бошқарув функцияси кўрсатилиши лозим). Шунингдек ҳар бир тузилманинг хуқуқи, жавобгарлиги ва мажбуриятларини белгиловчи йўриқнома, штат жадвали, хужжатлаштириш режасини ишлаб чиқиш лозим. Мана шундай жиддий ёндошмасдан туриб ички назоратнинг барча бўғинларининг функцияларини аниқ мувофиқлаштириш мумкин эмас.
4. Муайян бир молия-хўжалик операцияларини назорат қилишнинг наъмунавий шаклларини ишлаб чиқиш. Бу эса молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш юзасидан ходимларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш, ресурсларни самарали бошқариш, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборотларнинг ишончлилигини баҳолаш имконини беради.
5. Ички аудит ёки бошқа маҳсус назорат бўлинмаларини ташкил қилиш.
6. Жамиятнинг доимий ривожланиши ва унинг фаолият кўрсатиши учун ички ва ташқи шароитларнинг муттасил ўзгариб туришини ҳисобга олган ҳолда ички молиявий назорат тизимини такомиллаштириш йўлларини белгилаш.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча акциядорлик жамиятларида ички молиявий назорат тизими қуйидаги элементлардан таркиб топган бўлиши лозим:

¹¹¹Ибрагимов А.К. Сугурбаев Б.Бюджет назорати ва аудити.



1-расм. Акциядорлик жамиятлари ички молиявий назорат тизими элементлари¹¹²

Назорат мухити – ички молиявий назорат тизимининг асосий элементларидан бири бўлиб, унинг роли ички молиявий назорат тизими элементлари ўртасидаги самарали муносабатлар учун мухит яратишдан иборат. Назорат мухитининг мухим таркиби – бу ахборот таъминотидир (ўз ичига норматив-хуқуқий таъминот, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи, автоматлашган банк тизими ва бошқалар). Албатта самарали ва холисона ички назоратни ташкил этиш учун ахборот базаси ҳам шунга мос равишда тўлиқ ва таҳлил учун кулагай бўлиши лозим. Масалан олдинги ички аудит ишларини кўриб чиқадиган бўлсақ, кўпгина ишлар қоғозда амалга ошириларди ва иш ҳажми кўплиги боис банк фаолиятини тўлиқ қамраб олиш мушқул бўлган. Ҳозирда эса компютерларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда таҳлил учун керакли маълумотларни хоҳлаганча қайта ишлаш мумкин бўлади. Бунинг учун эса ўша самарали ички назорат бўлишини хоҳловчи бошқарув ходимлари албатта назорат ходимларининг тегишли дастурий таъминотлар билан таъминланишига ва малакага эга бўлишига замин яратиши лозим бўлади.

¹¹² Муаллиф томонидан тузилган.

Акциядорлик жамиятларида ички назорат хусусиятларидан келиб чиқиб бир нечта турларга бўлинади. Қуйида ички назоратни ҳал қилинаётган масалалар хусусиятидан келиб чиқадиган турларига тўхталиб ўтамиз:

Маъмурий назорат қўйидагиларни ўз ичига олади: стратегик ва жорий режаларнинг бажарилиши; операцияларни амалга ошириш алгоритмларини ифода этувчи жараёнлар, йўриқномалар, тартибларни тўлиқлигини, сифатини ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини назорат қилиш; АЖнинг ички таркибий бўлимларининг фаолиятини тартибга солиш; АЖнинг техник таъминот даражаси ҳолатини назорат қилиш; иқтисодий ва информацион хавфсизлигини таъминлаш; ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларнинг мукамаллашуви; ишлаб чиқариш ва таклиф этилаётган хизматлар сифатини таъминлаш устидан назорат ўрнатиш.

Молиявий назорат қўйидагилар устидан назоратни ўз ичига олади: жамиятнинг активлари ва мулклари хавфсизлиги; ҳисоб маълумотлари ва ҳисботларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги; ҳисоб сиёсатига амал қилиниши, активлар баҳоланишининг унинг тамойилларига кўра тўғрилиги; жамиятнинг амалга ошираётган харажатларининг асослилиги; солиқ органларининг нормативларига амал қилиниши; акциядорлик жамиятининг молиявий сиёсатига амал қилиниши; молиявий оқимлар бошқаруви сифати; жамиятнинг барча бўлимлари ресурслари шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши; белгиланган лимитларга амал қилиниши; ликвидлик ва молиявий рискларни самарали бошқарилиши; жамият фаолиятининг иқтисодий ва молиявий комплекс таҳлили; молиявий ҳисботларнинг ҳаққонийлиги; захиралар ишлатилиши ва шакллантирилиши; молиявий нормативларга риоя қилиниши.

Акциядорлик жамияти молиявий назоратининг асосий қисмларидан бири бу хўжалик ичидаги ички бўлинмалар (бўлим ва филиаллар) фаолияти самарадорлигини баҳолашдан иборат. Шунинг учун сифатли ички назоратни ташкил этишда ички хўжалик ҳисоб-китобларини назорат тизимининг мавжудлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.


Хуқуқий назорат бу жамиятнинг барча операциялари ва улар томонидан тузилаётган битимлар қонунийлиги учтидан назорат воситаси ҳисобланади, бундан ташқари хўжалик фаолиятининг умумий маънода ҳуқуқий таъминоти ҳисобланади. Шунингдек ҳуқуқий назорат хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган суд ва арбитраж ишларининг юритилиши учун назорат воситаси ҳисобланади.

Технологик назорат жамият операцияларининг амалга оширилишининг, ишлаб чиқариш жараёнларининг, лавозим мажбуриятларининг бажарилишининг аниқ ва замон талабига мос технологиялар бўйича амалга оширилишининг назорат функцияси ҳисобланади.

Бошқарув назорати бу жамиятнинг барча даражадаги раҳбарларининг ва бошқарув органларининг амалга ошираётган ҳаракатларининг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги устидан оператив чора-тадбирларни ўз ичига олади; бундан ташқари бошқарувчиларнинг ҳам ўзларининг қўл остидагиларнинг фаолияти устидан ҳамда бошқарув қарорларининг ижроси устидан назорат ўрнатилиши; бошқарув маълумотлари оқимининг тақсимланиши устидан назорат ўрнатилишини таъминлайди.

Ички молиявий назорат турлари акциядорлик жамиятлари ички молиявий назорат тизимининг асосий элементларидан ҳисобланади.

Қуйидаги 2 - расмдан кўришимиз мумкинки, ички молиявий назорат ҳам ўтказиш вақтига ҳамда унинг қамровига кўра бир нечта турларга бўлинган.



2-расм. Акциядорлик жамиятларида ички молиявий назорат турлари.¹¹³

Ҳар бир назорат тури назорат жараёнларида ўзининг ўзига хос усулларини қўллади. Хусусан, *дастлабки назоратда* кўпроқ таҳлил, юридик баҳо ва мантиқий назорат усуллари кенгроқ қўлланилади; *жорий назоратда* – мониторинг, таҳлил, юридик баҳо, расмий ва арифметик текширув, мантиқий назорат ва масофавий кузатув усулларидан фойдаланилади; *сўнги назоратда* – тафтиш, аудит, таҳлил, қарама-қарши текширув, инвентаризация ва экспертиза усуллари қўлланилади.



3-расм. Акциядорлик жамиятларида ички молиявий назоратни ўтказиш кетма-кетлиги модули.¹¹⁴

¹¹³ Муаллиф томонидан тузилган.

¹¹⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

Шуни таъкидлаш жоизки акциядорлик жамиятларида ички молиявий назорат тизими энг асосий субъектларидан бири ва самарали ички молиявий назоратнинг асоси бу ички аудит ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларида ички молиявий назоратни амалга ошириш жараёни тизимли аниқ белгиланган кетма-кетлика ташкил этилиши жамият молия-хўжалик фаолиятини тўлиқ қамраб олиш имконини яратади.

Юқоридаги 3-расмда қўрсатиб ўтилган кетма-кетлик мантиқий аҳамият касб этиб, жараёнлар бир-бири билан узвий боғланган. Ички молиявий назорат тадбирларини режалаштиришда назорат обьектларининг сони ва хавф даражаси асосий қўрсаткичлар ҳисобланади. Йиллик режада жамиятнинг филиаллари, бўлимлари ва тегишли корхоналар хавф даражаси бўйича кетма-кетлика кўрсатилиши, шунингдек, пул оқимларининг камерал назорати ва мониторинг ҳам режага киритилиши лозим. Камерал назорат ва мониторинг электрон тизимлар орқали амалга оширилиши назоратнинг узликсизлигини ва тезкорлигини таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар.

Шундай қилиб ушбу изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди, яъни акциядорлик жамиятларида ички назорат тизимининг самардорлиги қўп жиҳатдан ушбу жамиятда ички назорат тамойилларига қанчалик амал қилинишига боғлиқ бўлади. Ушбу тамойилларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

Жавобгарлик тамойили – ушбу тамойилнинг мазмуни шундан иборатки, жамиятнинг ҳар бир ходими ўз функцияларини бажарилиши юзасидан иқтисодий, маъмурий ва интизомий жавобарликка эга. Бунда жавобгарлик жамиятнинг ҳар бир ходимига ҳар бир вазифа юзасидан алоҳида белгиланиши лозим.

Мустақиллик тамойили – бунда, биринчи навбатда, унинг фаолияти доирасида хулосалар тўғрисида қарор қабул қилишда манфаатлар тўқнашувини истисно қилишни англатади. Ички аудитор мустақил лавозимдир. Мустақиллик принципи обьективлик принципи билан чамбарчас боғлиқ.

Қонунийлик тамойили – бунда, ўз фаолиятини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириши ҳамда ваколатларидан четга чиқмаслиги лозим.

Узлуксизлик тамойили – бунда, ички аудит узлуксиз бўлиши талаб этилади, бу эса жамият фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган рисклардан ўз вақтида хабар бериш имконини беради.

Ахборот хавфсизлиги тамойили – бунга кўра, ўз фаолиятини амалга оширишда олинган маълумотларни белгиланган тартибда сақлаши, улардан фаолиятидан ташқари ҳолларда фойдаланмаслиги ва давлат сири ҳамда бошқа сир сақланадиган маълумотларни ошкор этмаслиги лозим.

Адабиётлар / Литература/Reference:

Ibragimov A.K. Auditning xalqaro standartlari asosida tijorat banklari moliyaviy barqarorligi va likvidligini baholashni takomillashtirish. Monografiya. - T.:Moliya. 2015. 160 b.

Ibragimov A.K., Auditning xalqaro standartlari asosida tijorat banklarida ichki auditning tashkiliy asoslari. O'quv qo'llanma. – T.: Moliya. 2013. – 384 b.

Umarov Z.A., Ibragimov A.K., Rizaev N.K., Marpatov M.D., (2019) Banklarda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari / darslik – T.: «IQTISOD-MOLIYA», -500 b.

Белозерова Л.А. (2019) Роль и значение внутреннего контроля в деятельности организации // Молодой учёный. №24. — С. 316-320 [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <https://moluch.ru/archive/262/60616/>.

Богданович И.С., Соболева О.А. (2014) Место внутреннего контроля в системе управления предприятием и форма его организации. //Вестник Псковского университета. Серия «Экономические и технические науки». 5/2014. 66-75. С.68-69.

Вайкок М.А. (2018) Понятие внутреннего контроля как функции системы управления организацией.//Инновации и инвестиции. №4. С.164-167.

Ибрагимов А.К, Очилов И, Ризаев Н. (2009) «Молиявий ва бошқарув ҳисоби». -Т.: «Иқтисод-молия», - 367 б.

Ибрагимов А.К. Сугурбаев Б.Б. (2010) Бюджетный контроль и аудит. Учебное пособие. Ташкент.

Ибрагимов А.К., Марпатов М.Д., Ризаев Н.К., (2010) Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби, Тошкент: Молия, -176 б.

Қарор (2006) Корхоналардаги ички аудит хизмати тұғрисида НИЗОМ. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон Қарори.

Новикова Л.В. (2023) Система внутреннего контроля. //Материалы межотраслевой научно-технической конференции «Моделирование динамики ЯЭУ» (Динамика-2023 4-7 июня). С.164-166.